ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 15 ОКТЯБРЬ КУНИ ОЗАРБАЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ ЕТТИНЧИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. **17-OKTABR**, №42 (1187)

ЧУВ ТУШГАН ТАДБИРКОРГА СУД РАИСИ ҲАМ ҒИРРОМЛИК ҚИЛДИ. 6

МИБ 5 МИЛЛИАРД СЎМДАН ОРТИҚ НОРЕАЛ ҚАРЗДОРЛИКНИ ДАСТУРДАН ЧИҚАРДИ. 7

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲИСОБИДАН 6 МИЛЛИАРДГА ЯҚИН ҚАРЗ УНДИРИЛДИ. 10

ПОЧТАЧИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛАНГАН ПУЛЛАРНИ ЖИҒИЛДОНИГА УРДИ. 11

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

БАЪЗАН ОНА ТИЛИМИЗГА НИСБАТАН ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИ КЎРИБ РАНЖИЙСАН КИШИ.


5-бет



ДХХда ишлашини рўкач қилиб...

МАШИНА ВА КВАРТИРАЛИ БЎЛИБ ОЛДИ.

9-бет



ЭРКАКЛАРГА ҲАМ ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИ ТЎЛАНГАН.

3-бет

Обуна 2020

Ҳурматли юртдошлар!

2020 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 231

«HUQUQ»DA CHOP ETILGACH

Газетамизнинг 2019 йил 1 августдаги сонида «Беш йиллик «дард» номли мақола чоп этилган. Унда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги икки тадбиркорнинг ер участкаси билан боғлиқ низоси узоқ вақтдан буён ҳал этилмаётгани баён қилинган эди.

БЕШ ЙИЛЛИК «ДАРД»ГА МАЛҲАМ ТОПИЛДИ



Таҳририятга Балиқчи тумани ҳокими Ж.Абдурайимов имзоси билан жавоб хати келди. Маълум қилинишича, Н.Комилов Балиқчи туманидаги "Мумтоз" МФЙда жойлашган қишлоқ касалхонаси биносини 2008 йил 15 февралда инвестиция киритиш шарти билан сотиб олган. 2009 йил 13 мартда берилган 794-мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерига асосан ушбу кўчмас мулк фойдаланишида бўлган 3400 квадрат метр ер туман ҳокимининг 2012 йил 9 январдаги қарори билан доимий фойдаланиш учун Н.Комиловга бириктириб берилган.

Инвестиция шартлари бажарилгач, тадбиркор 2009 йилда терапия ва неврология, физиотерапия йўналиши бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигидан лицензия олади ҳамда "Диоген люкс" диагностика ва даволаш хусусий корхонаси иш бошлайди.

Н.Комиловга тегишли кўчмас мулк объектлари 2012 йил 10 февралдаги "Низом жамғармасини шакллантириш учун кўчмас мулкни ўтказиб бериш тўғрисида"ги шартномага асосан "Диоген люкс" корхонаси балансига ўтказиб берилади.

Мазкур хусусий корхона раҳбари бино ёнидаги туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қаровсиз ерни ўз ҳисобидан ободонлаштирган. Дам олувчи ва беморлар сайр қилиб, ҳордиқ чиқарадиган майдон яратган. Ушбу вақтда мазкур ҳудудда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли ҚВП, шунингдек, ички касалликлар ва болалар бўлими ҳам фаолият олиб борган.

2014 йилда тиббиёт соҳасидаги ислоҳот, яъни оптималлаштириш жараёнида "Диоген люкс" корхонаси биносига ёндош бўлган, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Ўрмонбек болалар ва ички касалликлар бўлими тугатилади.

Давоми 2-бетда

БЕШ ЙИЛЛИК «ДАРД»ГА МАЛҲАМ ТОПИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги собиқ Ўрмонбек болалар ва ички касалликлар бўлими ҳудудида жойлашган Ўрмонбек ички касалликлар бўлими биноси тендерга қўйилгач, туманда фаолият юритиб келаётган "Ўртачинор" кўп тармоқли фирмаси раҳбари М.Исмонов ғолиб деб топилган.

Ҳозир М.Исмонов бинони таъмирлаб, жиҳозлаб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

2015 йилда "Диоген люкс" корхонаси раҳбари Н.Комилов мазкур ҳудуддаги бўш турган ерни бириктириб беришни сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилади.

Ўз навбатида, "Ўртачинор" фирмаси раҳбари М.Исмонов ҳам ушбу ҳудудда замонавий даволаниш маскани ва диагностика маркази, фитобар биноларини қуриш учун ер сўраб мурожаат қилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш давомида, туман ҳокимининг 2015 йил 22 июндаги қарори билан туман тиббиёт бирлашмаси ихтиёрида фойдаланилмай турган физиотерапия бўлими биноси бузилиб, 803 квадрат метр ер туман ҳокимлиги захирасига қайтарилади ҳамда 2015 йил 1 августда туман ҳокимининг "Фуқаро М.Исмоновга даволаш ва диагностика маркази қуриш учун ушбу ер майдонини ажратиш ҳақида"ги қарори қабул қилинади.

"Туман тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган физиотерапия бўлими биносини бузиб, 803 квадрат метр ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисида"ги қарор туман прокуратурасининг 2016 йил 29 декабрдаги протестига асосан туман ҳокимининг 2017 йил 10 январдаги қарори билан бекор қилинади. Бироқ туман ҳокимлиги томонидан М.Исмоновга даволаш ва диагностика маркази қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги қарорни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш ёки бекор қилиш масаласи кўриб чиқилмаган.

Икки тадбиркор ўртасидаги низо шу тартибда давом этиб, улар ҳануз муросага келишмаган.

Ҳозир мазкур масалани туман ҳокими ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқиб, ҳал этиш чоралари белгиланган. Жумладан, мазкур низони ҳал этиш юзасидан "Диоген люкс" корхонасига туман захирасидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида қўшимча 880 квадрат метр ерни доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириш, шунингдек, корхонага олиб кирувчи 450 квадрат метр йўлни сервитут сифатида белгилаш тўғрисида туман ҳокимининг қарори лойиҳаси тайёрланган.

Таҳририятдан: *Жавоб хатида келтирилишича, Баликчи тумани ҳокимлиги ҳамда мутасаддилар томонидан мазкур муаммони бартараф этиш борасида дастлабки қадамлар ташланган. Олдинда эса ҳали лойиҳа сифатида турган қарорни қабул қилиш ва унинг ижросига киришиш каби юмушлар турибди.*

Демак, кузатишда давом этамиз ва бу мавзуга яна қайтамиз.

2019 йил сентябрь ойида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори Ботир Қудратхўжаев Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани халқ қабулхонасида сайёр қабул ўтказиб, аҳоли вакиллари билан учрашди.

ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ...


Очиқ мулоқот шаклида ташкил этилган учрашувда фуқароларнинг узоқ йиллар давомида ўз ечимини топмаган муаммоларини ҳал этишга, давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул жараёнида вилоятда истиқомат қилаётган ўттиздан ортиқ фуқаронинг турли мавзулардаги мурожаатлари муҳокама қилинди, ўндан ортиқ муаммо ҳал этилди. Мурожаатларнинг асосий қисми уй билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш, оилавий тадбиркорлик учун ер ажратиш, прокуратура органларига ишга жойлашиш, суд ҳукмига протест келтириш ва ажрим, қарорларни бекор қилиш, терговни тўхтатиб туриш билан боғлиқ бўлди. Бундан ташқари, кредит олиш, моддий ёрдам ҳамда қарзни ундириш билан боғлиқ мурожаатлар ҳам бор.

Суръат ЖАББОРОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Хусусан, "Норқул ота" фермер хўжалигининг "Milk Foods" МЧЖдан 15,6 миллион сўм қарзини ундиролмаётгани ҳақидаги мурожаати ўрганилгач, МЧЖ қарзини тўлиқ тўлади. Шунингдек, Т.Мирзақобиловнинг М.Жабборовдан 31,3 миллион сўм қарзини ундиролмаётгани ҳақидаги мурожаати ҳам ҳал қилиниб, қарз тўлиқ ундириб берилди. Фуқаро М.Пардаева ҳам шу масалада мурожаат қилган эди. Суд қарорига асосан унинг 2,5 миллион сўм қарзи А.Бердиевдан ундирилди.

Сайёр қабул якунида муддат талаб этадиган мурожаатларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.



"Агросервис" корхоналари қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, машина-механизмлар билан фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун ташкил этилган. Ушбу асосий фаолиятидан ташқари ноқонуний ишга қўл урган корхоналарнинг раҳбарлари жавобгарликка тортилди.

НОҚОНУНИЙ СОТИЛГАН БИНОЛАР

"Ўзагросервис" АЖ бош директори ўринбосарининг "Фарғона "Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамияти мансабдорларининг ноқонуний ишлари хусусида Фарғона вилояти прокуратурасига йўллаган хати ўрганилди. МЧЖ низоми жамият таъсисчиларининг 2018 йил 22 октябрдаги умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган. Фарғона шаҳар Давлат хизматлари кўрсатиш марказида давлат рўйхатига олинган. Низомга кўра жами 33 миллиард 396 миллион сўмдан иборат МЧЖ устав фондининг 93,49 фоизи "Ўзагросервис" АЖ, 6,34 фоизи "Агробанк" Фарғона вилояти бошқармаси, 0,17 фоизи эса бевосита жамият ходимлари томонидан шакллантирилган. Низомнинг 15-бандида хизмат муддатини ўтаб бўлган асосий воситалар ва техникаларни бегоналаштириш, ҳисобдан чиқариш жамият ижро органи йиғилиши қарори билан, йирик битимлар эса таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ МЧЖнинг мансабдорлари ушбу талабларни менсимай зимдан иш кўришган. Кўштепа тумани "Техмашсервис" МЧЖ ҳудудидаги икки қаватли маъмурий бинони сотиш учун 2019 йил 28 март куни жамият бошқарувининг йиғилиши ўтказилгани, унда жами 15 кишидан иборат бошқарув аъзолари, бўлим бошлиқлари ва мутахассислар қатнашгани ҳақида сохта баённома расмийлаштирилган. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорини олмасдан, жамият аъзоларидан яширинча, аукцион савдосисиз "Сармозор" МФЙда жойлашган маъмурий бинолар ва ер участкаси уч йил давомида сотиб олиш ҳуқуқи билан 2019 йил 29 март кунги ижара ва 2019 йил 9 апрель кунги олди-сотди шартномасига асосан "Quality Innovative Produkts" МЧЖга 83 миллион сўмга сотиб юборилган.

Рустам МЕЛИБОЕВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Ноқонуний шартномага биноан тўланган 83 миллион сўм пул жамият ҳисоб-рақамига кирим қилинмаган. Тўлов амалга оширилгани ҳақида имзоларсиз 17-кирим ғазна ордери ёзиб қўйилган. Ўрганиш мобайнида 17-ордер ва бошқа ҳужжатлар жамият бухгалтериясида йўқлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича тушунтириш хати олинганида ҳужжатлар сохталаштирилгани, 83 миллион сўм талон-торож қилингани аён бўлди.

Бино ва иншоотлар ва ер майдони таъсисчиларнинг розилигисиз, сохта баённома асосида аукцион савдосига чиқарилмасдан сотилгани, маблағ жамиятга кирим қилинмасдан ўзлаштирилгани, сохта кирим ордерлари ёзилгани, бинони сотишдан тушган пул тўғрисида бухгалтерияда ҳужжатлар йўқлиги жамият аъзолари ва таъсисчиларнинг тушунтириш хатлари билан тасдиқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.





АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

Самандар САДИРОВ,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси ташаббуси билан давлат даромадига ўтказилган товар-моддий бойликларни реализация қилишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бюронинг махсус савдо ташкилотлари томонидан республикамизнинг барча бозорларида савдо ярмаркаларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

МИБ Тошкент шаҳар бошқармасининг туман бўлимлари ижро ҳужжатлари асосида давлат даромадига ўтказилган мулк ва товарларни реализация қилиш учун 2019 йилнинг 12-13 октябрь кунлари "Фарҳод" бозори ҳудудида савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Савдога 560 миллион сўмлик маҳсулотлар чиқарилган бўлиб, икки кунда 70 миллион 500 минг сўмлик товарлар сотилган. Савдодан тушган пул давлат ҳисобига ўтказилади.

Ярмарка йил якунига қадар дам олиш кунлари ўтказиб борилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

2019 йилнинг 23-28 сентябрь кунлари Бош прокуратура вакиллари ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари Норвегия ва Данияда бўлишди.

Сафар давомида Ўзбекистон делегацияси Норвегиянинг Омбудсман институти, БМТТД Осло бошқарув маркази, Transparency International, Ташқи ишлар вазирлиги, Тараққиёт бўйича ҳамкорлик агентлиги (NORAD), Бош аудиторлик идораси, Ташаббусларни ривожлантириш (INTOSAI), Адлия вазирлиги, DNB банки, Қазиб олиш тармоқларида шаффофлик ташаббуслари, Данияниинг Ташқи ишлар вазирлиги, БМТТДнинг Данияда Шимолий идораси, Модернизация агентлиги, Рақамли технологиялар агентлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича институти вакиллари билан учрашди.


Иштирокчилар ушбу ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, асосий вазифалари ва амалга ошираётган лойиҳалари билан танишди.

Сафар якунлари бўйича иштирокчилар томонидан Норвегия ва Данияниинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Президент жорий йил 14 октябрь куни "Маданий ифодаларнинг турли хил шаклларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунни имзолади.

ЭР КИШИГА ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса аёлларни ҳомиладорлик ва бола парвариши даврида моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Искандар ДАВЛАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Шу билан бирга, бюджет муассасаларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг тўланиши бўйича ўтказилган ўрганишлар соҳада ҳал этилиши лозим бўлган хато ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, 2017-2018 йиллар ва 2019 йилнинг 1-чорагида бюджет муассасалари ходимларига 529,5 миллиард сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланган. Айрим бюджет муассасаларида мазкур нафақаларнинг тайинланиши ўрганилди.

Ўрганишда Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги 2699-қарори билан белгиланган 12 ойгача ишлаган ходимга ўртача иш ҳақининг 75 фоизи, кўпроқ ишлаганига эса 100 фоизи миқдорида нафақа тўланиши лозимлиги ҳақидаги талаб бажарилмасдан, етарли иш стажига эга бўлмаган ходимларга 345 миллион сўмлик нафақа асоссиз тўлангани аниқланди.

Бундан ташқари, нафақани ҳисоблашда ходимнинг ўртача иш ҳақини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш ёки ноқонуний йўллар билан тўлов ҳужжатларига тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан кўпроқ пул ёзиш ҳолатлари ҳам деярли барча ҳудудларда мавжуд. Шу йўл билан республика бўйича 696,3 миллион сўмдан ортиқ маблағ талон-торож қилинган.

Бюджет муассасаларида у ерда умуман ишламайдиган, пенсияга чиқиб кетган, ҳомиладор бўлмаган ва ҳомиладорлик таътилига чиқмаган шахслар номига сохта маълумотлар асосида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ёзиш, айнан бир ходим номига бир неча марта пул ҳисоблаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар фош этилди. Шу тариқа 820,4 миллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилган. Шунингдек, ҳақиқатан ишламайдиган ёки ишдан

> *1275 та бюджет муассасасида 3,1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ноқонуний сарфланган.*

бўшаган, пенсияга чиққан ушбу шахсларнинг номига 942 миллион сўм иш ҳақи ва меҳнат таътили пули, директор жамғармасидан 142,1 миллион сўм рағбатлантириш ҳамда мукофот пули, 147,6 миллион сўм моддий ёрдам ҳисобланиб, талон-торож этилган. Мисол учун, Жиззах шаҳридаги 4-мактабда аслида ишламаган ёки таътилга чиқмаган шахсларга йил давомида уч-тўрт мартадан ҳомиладорлик ҳамда туғиш нафақасини тўлаш бўйича сохта ҳужжатлар тайёрланиб, М.Мақсадовага (исм-фамилияси ўзгартирилган) 51,1 миллион, Н.Низомовага 30,5 миллион, Г.Ойиповага 26,4 миллион, А.Азимовага 24,4 миллион сўм пул ноқонуний тўланган.

Энг ачинарлиси, ҳатто эркак кишиларга сохта маълумотлар асосида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ёзилиб, бюджет маблағи ноқонуний сарфланган. Масалан, Жиззах вилояти тери-таносил касалликлари диспансери иқтисодчисига 2,1 миллион сўм ва Жиззах шаҳридаги 20-мактаб қоровулига 900 минг сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланган.

Бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини таъминлашга масъул ходимларнинг ўзи ҳам талон-торожга шерик бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Сирдарё вилояти молия бош бошқармаси етакчи иқтисодчиси О.Абдураҳимов коллежларнинг бош ҳисобчилари билан жиноий тил бириктириб, сохта ҳужжатлар асосида 358 миллион сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини ўзлаштиришга эришган.

Ўрганишларда жами 1275 та бюджет муассасасида ушбу мақсад учун ажратилган 3,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ноқонуний сарфланишининг аниқланиши ушбу муаммо тизимли тус олганини кўрсатди. Бундай тўловлар асосан Сурхондарё (161 млн.), Фарғона (162 млн.), Қашқадарё (207 млн.), Самарқанд (266 млн.), Сирдарё (499 млн.) ва Жиззах (1 млрд. 500 млн.) вилоятлари ҳисобига тўғри келган.

Назорат тадбирларида қонунга зид 14 та ҳужжатни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди, 61 киши интизомий, 141 киши маъмурий жавобгарликка тортилиб, 50 та тақдимнома киритилди, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Етказилган 1,1 миллиард сўм зарар ихтиёрий равишда тўланишига эришилди ва 30 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

ТАЪЛИМДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Юрт эртасини юқори малакали кадрлар белгилайди. Билимли кадрлар эса осмондан тушиб қолмайди. Бу аввало мамлакатдаги таълим тизими қай даражада эканига боғлиқ.



Рустамжон МАДАЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизими вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, моддий таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Тўғри-да, ўқитувчи дегани бор эътиборини ёш авлодга таълим беришга қаратиш ўрнига ҳокимлик, маҳалла ёки бошқа жамоат ишлари билан андармон бўлса, таълимда сифат бўладими?

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш белгилаб берилди. Коррупцияга қарши курашиш лойиҳаси таълим тизимидан бошланиши бежиз эмас. Бунинг замирида ниҳолни тўғри парваришлаш мақсади ётганини англамоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, соҳадаги ислоҳотлар аввало мамлакат тақдирини белгилаб берувчи салоҳиятли кадрлар етиштиришга қаратилган. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳити яратиш назарда тутилган. Табиийки, рақобат бор жойда сифат яхшиланади. Натижада малакали кадрлар кўпаяди, аҳолининг олий маълумотли қатлами ортади.

> *Камида 10 та ОТМни халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи мингталиги рўйхатига киритиш белгиланди.*

Фармонда Ўзбекистондаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи мингталиги рўйхатига киритиш белгиланди. Ушбу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорлик ривожланиши, давлатлар ўртасида талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви кўпайишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ОТМларда ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади. Бу қандай модуль деган савол туғилиши табиий.

Кредит технологияси таълим олувчиларга ўқув режасига киритилган фанларни танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита қатнашиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон таълим тизими динамик равишда ривожланиши ҳамда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнига муносиб жавоб бера олиши керак. Шу боис зарур ахборотни мустақил топадиган, таҳлил қиладиган ва ундан самарали фойдаланадиган мутахассисларни шакллантиришда ўқитишнинг кредит тизими кенг татбиқ этилмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, фармон билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида ННТ шаклидаги Республика олий таълим кенгаши ташкил этилди.

Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сўровлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали олий таълим сифатини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бундан ташқари, таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишни жадаллаштириш мақсадида республика олий таълим муассасалари раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши жорий қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги ўн йилликда таълим тизимини ривожлантириш концепциясида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш орқали юқори билимга эга кадрларни тайёрлаш мақсад қилинган.

Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва канализация хизмати учун дебитор қарздорликни қисқартириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Ечими топилмаётган масала

Руслан МАТРАСУЛОВ,
МИБ Гурлан тумани бўлими бошлиғи

Гурлан тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 14 август куни ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.

Мажбурий ижро бюросининг "Электрҳисоб" дастуридан олинган маълумотга кўра электр энергиясидан 357 миллион 45 минг сўм, "Биллинг-газ" дастуридан олинган маълумотга кўра табиий газдан 241 миллион 600 минг сўм, "Water Control" дастуридан олинган маълумотга кўра ичимлик сувидан 105 миллион 385 минг сўм дебитор қарздорлик мавжуд.

Йиғилишда "2-туманлараро газ таъминоти" корхонаси Гурлан туман бўлими томонидан аҳолининг табиий газдан ва "Туямўйин-Урганч" МСҚФБ ДУК Гурлан туман бўлими томонидан ичимлик сувидан бўлган дебитор қарзларни ундириш бўйича ҳеч қандай режа ишлаб чиқилмагани ва қарздорлар рўйхати тузилмаганига алоҳида эътибор қаратилди. Тумандаги барча МФЙ раислари ўз ваколатлари доирасида Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими билан ҳамкорликда фойдаланилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаш юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини амалга ошириши лозимлиги қайд этилди.

Президент жорий йил 14 октябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)»ги қонунни имзолади.

ШИФОКОР БЕПАРВО БЎЛСА...


жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин

Бир пайтлар поликлиника ёки бошқа тиббий муассаса ходимларининг қабулига боришга тўғри келиб қолса, рўйхатга олишда фойдаланиладиган қоғоз ё дафтарни ўзимиз олиб боришга мажбур бўлардик. Бепул таъминланиши лозим бўлган шприц, спирт, пахта ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади.

Илҳом САМАМБЕТОВ,
Шуманай тумани прокурорининг ўринбосари

Хайрият, бугун бу каби нуқсонларга бироз барҳам берилди. Аҳоли сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун бир қатор шароитлар яратилди. Аммо айрим тиббиёт муассасаларида ҳамон камчилик ва қонун бузилиши ҳолатлари учраб турибди. Шуманай тумани прокуратураси мутахассисларни жалб қилган ҳолда туман болаларнинг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, айрим шифокорларнинг бепарволигидан ажабландик. 2019 йил 6 апрель куни туғилган чақалоқ 5 кундан сўнг туғруқхонадан чиққан ва 15 апрель куни шифокор бирламчи кўрик ўтказиш учун бориб кўрган. Бундан кейин уй патронаж кўриги умуман ўтказилмаган.

Умумий амалиёт шифокори С.Бекниёзованинг ҳудудидаги "жуда кам вазнли чақалоқ" ташхиси қўйилган Ш.П.нинг картасида шифокорнинг кўриги йўқлиги, у иммунолог комиссияси баённомасида рўйхатга олинмагани, 2017 йили туғилган М.Р.нинг ривожланиш картаси йўқлиги аниқланди. 2019 йили туғилган Г.К.нинг тиббий картасида эса у "20 июнь куни шошилинч тиббий ёрдам бўлимида даволанди" деб ёзилган, рўйхатга олиш дафтарида эса 14 июнь санаси қайд этилган.



Ўткир бронхит ташхиси қўйилган бола 5 кун мобайнида рентген текширувидан ўтказилмаган.

тиббиёт бирлашмасида ўтказган текширишда бунга амин бўлдик. Масалан, бирлашмада ҳукумат қарорига асосан 2019 йилнинг 6 ойида 147 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилган бўлса-да, 8 нафар аёл бу муҳим тадбирдан четда қолган. Айрим аёлларнинг ҳомиладорлик муддати ёзилмаган, якуний ташхиси қўйилмаган ва ҳеч қандай изоҳ берилмаган. Туғруқларни рўйхатга олиш журналида эса туғилган боланинг жинси, вазни ва муддати ёзилмаган.

Болалар бўлимида ўтказилган текширишда 12 нафар бола даволанаётгани маълум бўлди. 2017 йилда туғилган М.А.га ўткир бронхит ташхиси қўйилган, лекин бемор 5 кун мобайнида рентген текширувидан ўтказилмаган.

Бирлашманинг 2019 йил 31 январь кунги буйруғига асосан кўп тармоқли поликлиникада болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун малакали шифокорлардан иборат комиссия тузилган, аммо жойлардаги тиббий кўрик даврида шифокорларнинг асосий иш ўрнида йўқлиги беморларнинг норозилигига сабаб бўлган. Мутахассислар томонидан 2007 йили туғилган С.И.нинг чуқурлаштирилган тиббий кўрик варақаси кўздан кечирилганда, унинг эндокринолог кўригидан ўтказилмагани, тиббий кўрик варақалари тўлиқ эмаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, умумий амалиёт шифокори Р.Ортиқниёзованинг ҳудудига тегишли аҳоли тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас, икки нафар ҳомиладор аёл тиббий текширувдан ўтказилмаган.

> *20 та ҳомиладорлик кеч ҳисобга олинган.*


Туман бўйича ўтган йилнинг 6 ойида 14 та ҳомиладорлик кеч ҳисобга олинган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида келиб 20 тага етган.

Туман тиббиёт бирлашмасида яна кўплаб камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан бирлашма бошлиғи номига тақдимнома киритилди ва уч кишига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ушбу ҳудудга хизмат кўрсатувчи айрим патронаж ҳамшираларининг ҳам кунлик ва ҳафталик иш режаси йўқ, энг ачинарлиси, баъзи ҳамширалар аҳоли тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас, икки нафар ҳомиладор аёл тиббий текширувдан ўтказилмаган.

Туман тиббиёт бирлашмасида яна кўплаб камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан бирлашма бошлиғи номига тақдимнома киритилди ва уч кишига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

• Тилга эътибор — элга эътибор! •



ТИЛ — ХАЛҚ МУЛКИ, МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Тил давлат тимсоли, мулки ҳисобланади. Тилни асраш, ривожлантириш эса миллатнинг юксалиши демакдир. Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

Хабарингиз бор, 2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистоннинг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганига ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи - миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Президентининг "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Қарорга мувофиқ октябрь ойида "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади.

Қарор билан ушбу тадбирга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмита таркиби ва ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ташкилий қўмитага қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, мактаб ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танлови ўтказилади. Шунингдек, 21 октябрь куни Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги санъат саройларида қонун қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари ташкил этилади.

Ўз мухбиримиз

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

Ўзбек тили қадимий ва бой тиллардан бўлиб, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойликдир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир.

Қўчқор РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ўзбек тилининг мамлакатимиздаги аҳамиятини намоён этади.

Ўзбекистон ва бошқа ўн тўрт республикани бирлаштирган Совет иттифоқи 1991 йили тарқаб кетганини ҳисобга оладиган бўлсак, 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган мазкур қонун тоталитар тузум исканжасидаги халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган эди. 1995 йил 21 декабрда у "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган.

Қонунга кўра, Ўзбекистоннинг давлат тили ўзбек тили бўлиб, унга давлат тили мақомининг берилиши мамлакатдаги бошқа миллат вакилларининг ўз она тилини қўллаш ҳуқуқига монелик қилмайди.

Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг қоида ва нормаларига риоя этилади.

Ўзбекистоннинг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади.

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Қонундаги муҳим демократик нормалардан бири фуқароларнинг давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига ариза, таклиф, шикоят билан ўз она тилида мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатланганидир. МЖТКнинг 42-моддасига мувофиқ фуқаролар-

> *Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир.*

нинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлаш ҳуқуқини бузиши, тилдан фойдаланишига тўсқинлик қилиши, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатларнинг тилларини менсимаслиги энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, миллий маънавиятнинг ҳам, маърифатнинг ҳам заминида энг аввало она тили ётади. Шу боис давлат тили тўғрисидаги нормалар мамлакатимизда ўзбек тилининг ижтимоий мақомини юксак даражага кўтарган ҳолда, юртимизда яшовчи барча фуқароларга ушбу тилни ўрганишда тенг имконият яратиб беради.

Самарқандда Корея Журналистлар ассоциацияси билан ҳамкорликда халқаро журналистика маркази очилади.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигига

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»



Ҳар бир халқнинг беназир маънавий бойликларидан бири она тилидир. У инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, Яратганнинг бебаҳо неъмати ҳисобланади. Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белги ҳам тилдир. У одамларни миллат сифатида бирлаштиради, яъни халқнинг ўзлигини намоён қилади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шунинг учун ҳам инсоният маданий ҳаётининг шаклланиши ва тараққиётини тилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Замон эврилишлари, бемисл тараққиёт даставвал тил орқали ифодаланади.

Байроқ, герб ва мадҳия сингари миллий тили ҳам давлатнинг муқаддас рамзларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир халқ ўз тилининг тараққиёти учун қайғуради. Афсуски, салкам бир юз ўттиз йил мустабидлик исканжасида қолган она тилимиз ана шу эркинликдан, ривожланишдан маҳрум бўлган эди. Айтиш жоизки, 1989 йил 21 октябрда "Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши, яъни мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган бир даврда халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири саналмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақом ва ҳимоясига эга бўлиши ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеалардан бири бўлди.

Бугунги кунда ер юзида беш мингга яқин тил бўлиб, улар ҳуқуқий мақоми, тутган ўрни ва қўлланиш доирасига кўра уч турга бўлинади. Яъни 6 та халқаро тил (инглиз, француз, испан, рус, араб ва хитой тиллари), 200 га яқин давлат тили (ўзбек, немис, украин ва бошқа тиллар), қолган 4800 га яқини — маҳаллий тиллар (на халқаро, на давлат тили мақомига эга тиллар).

Она тилимиз — бизнинг ўзлигимиз. Ўзлигимиз эса ҳаёт саҳнасида миллат сифатида борлигимиздир. Ўзбек тили 1989 йил 21 октябргача учинчи даражали, яъни маҳаллий тил даражасида бўлиб, жуда ҳам ғариб аҳволга тушиб қолган эди. Юқорида қайд этилган қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилини иккинчи босқичга олиб чиқди, яъни маҳаллий тилдан давлат тили даражасига кўтарди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" деб белгиланиши тилимизнинг ижтимоий ҳаётда қўлланиш мавқеини янада мустаҳкамлади, уни муқаддас ва буюк тимсолга айлантирди. Миллат, халқ тушунчаси улуғликларга ундайди, эзгу амалларни бажаришга даъват этади. Зотан, яшашнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзлигимизни, қадриятларимизни эъзозлашимиздадир. Шунинг учун она тилимиз қулоққа ажиб бир наводай қуюлади, ундан жонимиз ҳузурланади. Бизни улуғвор этадиган, улуғвор яшашга ундаб турадиган ҳам она тилимиздир.

Тилимизни қадрлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Баъзан қадриятларимиз тимсоли — она тилимизга нисбатан эътиборсизликни кўриб ранжийсан киши. Чет тиллар олдида ўз тилимизни паст кўриш (унга давлат тили мақоми берилган бўлса-да) урф бўлиб бораяпти. Мисол учун, Қарши шаҳри кўчаларига бир қаранг! "Версаль" тўйхонаси, "Пирамида" емакхонаси... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Наҳотки, тўйхона-ю емакхоналарни аташ учун ўзбекча чиройли номлар топилмаган бўлса?! Ўз юртимизда ўзимиз ўз тилимизни бекадр қилсак, унинг қадрини ким келиб кўтариб беради?!

Учрашув ва конференцияларнинг таклифнома ёки дастурларини олайлик: инлизча ёки русча таржимаси бор, ўзбек тилида ёзилган қисми ҳам ё русча, ё инглизча атамаларга тўлиб-тошган. Йиғин танаффусида бериладиган "бир пиёла чой"ни "кофе-брейк" деймиз, негадир уни "чойтаътил" деб аташни ор биламиз. Ёки минбарга чиқиб олиб, шевада гапираётган айрим нотиқларни кўриб, энсанг қотади. Майли, шевада гапирсин, тўйиб гаплашсин. Зеро, шевалар тилнинг илдизи, тўғрироғи — булоқлари, улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Бироқ минбарга чиқиб кўпчиликка юзланган одам, агар ўзини ҳурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапирсин! Минбарга етган одамнинг елкасида миллат юки бўлмоғи даркор! Мактабдан олий ўқув юртларигача, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида олиб борилмоғи керак. Яна бир гап. Масалан, телевидение бошловчиси бир кўрсатувни олиб борди дейлик. Кўрсатув ниҳоясига етгач, у телетомошабинларга юзланиб, "сиз билан фалончи писмадончи (исм-фамилиясини айтади) бўлди" дейди. Бу гапни қандай тушуниш керак? Шундай гапларни эшитаркансан, халқимизнинг "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган мақоли хаёлдан ўтади.

Тилимизга давлат тили мақоми берилганига ўттиз йил тўлиши муносабати билан катта-катта тадбирлар ўтказилмоқда. Бу жуда қувонарли ҳолат. Аммо ўтган йиллар давомида байрамдан кейин ҳаммаси олдинги ҳолатига қайтиб, аввалгидай эътиборсизлик бошланганини албатта оқлаб бўлмайди. Буюк ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таъкидлаганидек, "Бизнинг жуда бой, чиройли тилимиз бор, бу тилда ифодалаб бўлмайдиган фикр-туйғу, ҳолат йўқ". Ҳақиқатан ҳам ўзбек тили ўзининг сўзга бойлиги, мусиқийлиги, оҳангдорлиги, сўз бирикмаларининг қулайлиги, мақол, матал ва ибораларнинг кўплиги, сўзларининг сермаънолиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Шундай бой ва катта тарихга эга тилимизни асраб-авайлаб кейинги авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Бизда болаларга тил ўргатиш муаммоси қандай ҳал этилаяпти? Бу муаммонинг туб илдизи чуқурроқ, масала тилнинг сут билан кириши, боланинг она тилини қаерда ўргана бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешикда, икки кўзи телевизорда — алла фақат кўрик-танловларда айтилаяпти... Эртак айтиб берадиган бувилар кам. Дастурхон атрофидаги гурунглар йўқ бўлиб кетди. Шундай экан, бола тил машқини қаердан олади — у ҳам ноилож телевизорга тикилади, сал эси

> *...қўли бешикда, кўзи телевизорда — алла фақат кўрик-танловларда...*

киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуюлаверади, жумладан бузуқ тил ҳам. Фикр шаклланиши, тилни билишнинг муҳим омилларидан бири китоб, бадиий асар ўқишдир. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, ота-онаси қўлига китоб олмаган боланинг бадиий китобга ошно бўлиши даргумон.

Миллий сўз (тил) чет тилини ўрганишда асосий замин ҳисобланади. Шу боис она тилимизни қанча теран билсак, чет тилини шунча пухта ўзлаштирамиз. Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўлатуриб, болалигидан русча боғчага қатнаб, русча мактабда ўқиб ва табиийки, кейинги ҳаёти давомида европача муҳитда яшаган одамларнинг тили ҳаминқадар, фикрлаш тарзи ҳам на у, на бу бўлиб қолади. Тафаккури ҳам ўзгаради. Бунга бадиий адабиётимиз ҳам бир мисол. Ўзи ўзбек бўлатуриб бошқа тилда ёзган истеъдодларнинг асарлари ўзбек заминида унча илдиз ота олмади, ҳатто уларни таржима қилганда ҳам ташқаридан қараш, бадиий тафаккур бегоналиги сезилиб қолади. Айнан шу тоифадаги ёзувчиларнинг яқинда рус тилига расмий тил мақомини бериш борасидаги мурожаати қанча эътирозу баҳсларга сабаб бўлганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Маълумки, бой маданият ва юксак маънавиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви бор. Жумладан ўзбек халқининг ҳам. Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихида оромий, хоразмий (милоддан аввалги III-I асрларда), сўғд (эрамизнинг V асригача қадар), ўрхун-энасой (руник) VI-VIII асрлар), араб (VIII асрдан 1929 йилгача), уйғур (X-XV асрларда), лотин (илк марта 1930-1940 йиллар), кирилл (1940 йилдан ҳозирги кунгача) ва яна лотин (1993 йилдан ҳозирги кунгача) ёзувларидан фойдаланган. Бир алифбодан иккинчисига ўтиш ёшларнинг ватани, ота-боболари ўтмишидан бехабар қолишига олиб келади. Арман олими Месроп Маштоц бундан икки минг йил аввал арман ва грузин ёзувини ихтиро қилган. Ушбу ёзув ҳозиргача қўлланади. Мазкур халқларнинг бу ибратли ишидан ўрнак олса арзийди.

Истиқлолгача ўзбек тилининг бебаҳо мулки бўлган, ҳаётда бекаму кўст қўлланиб келган жуда кўп сўзлар шўро сиёсати талаби асосида диний, эскирган каби тамғалар билан тазйиққа учраб, истеъмолдан чиқарилди. Бугун юртимиз озод, миллий қадриятларимиз билан бирга тилимиз ҳам жаҳонга юз тутди. Кураш, ҳалол, чала, ёнбош деган сўзларимиз бутун дунёда қўлланмоқда. Ўзбекча сўзлар бошқа миллат вакилларининг тилида ҳам қўшиқ бўлиб янграмоқда.

Мамлакатимизда рўй бераётган улкан янгиланишлар, кўп давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларнинг кучайиб бораётгани қисқа вақт ичида ўзбек тилининг бойишига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид брифинг, геосиёсат, глобаллашув, конвенция, рейтинг каби, бозор иқтисодиёти, янгича иқтисодий сиёсат тизимига оид аудит, брокер, валюта бозори, дилер, инвестор, инновация, инфратузилма, конвертация, маркетинг, менежмент, мониторинг, провайдер, тендер каби атамаларнинг истеъмолга кириб келиши шунинг самарасидир.

Яқинда Президентимиз "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунни имзолади. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туркий мамлакатлар мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро платформадир. Мазкур кенгаш халқаро ташкилот бўлиб, фаолиятининг асоси туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни кучайтиришга қаратилган.

Буюк авар шоири Расул Ҳамзатов авар тили бор экан, мен борман, авар тили йўқ экан, мен ҳам йўқман деган экан. Демак, она тилимиз — бизнинг жонимиз, танимиз, хуллас, ўзимиз, ўзлигимиз, онажонимизнинг тилидир. Бу ҳақда Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповдан орттириб бир нарса дейиш қийин:

Она тилим — онажоним тили бу,
Бешикданоқ сингган жону қулоққа.
Она тилим — хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.

«Инвестиция визаси» эгаларига 10 йиллик яшаш гувоҳномаси берилади. Ҳукуматнинг 11 октябрдаги қарорига мувофиқ ушбу визани бериш тартиби ва у билан боғлиқ имтиёзлар белгиланди.

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ



Ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беради, ким унинг ғоясини қўллаб-қувватлайди — барчасини кўришга муваффақ бўлади.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги миллий тажриба ва халқаро андозаларга, жамиятда сиёсий-ҳуқуқий онгнинг ўсишига мос тарзда босқичма-босқич ривожланиб борди. Масалан, сайлов ҳақидаги бешта қонун ("Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ўрнига ишлаб чиқилган Сайлов кодекси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 февралда қабул қилинди, Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланди ва 26 июндан кучга кирди.

Таъкидлаш лозимки, кодексга демократик тамойилларни ўз ичига олган қатор янгиликлар киритилган. Хусусан:

— Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди;

— сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби белгиланди;

— муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш мақсадида "сайлов варақаси" тушунчаси чиқариб ташланди;

— сиёсий партиялар имзо йиғиши жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодни ёхуд партияни қўллаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланди;

— илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган сенаторларни сайлаш тартиби тўғрисидаги низом бекор қилиниб, бу масалани қонун даражасида белгилаш таклиф этилди;

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда қатнашишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди;

— ташвиқот ишлари номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган куннинг эртасидан бошланиши кўрсатилди.

Энг асосийси кодексни тайёрлашда жамоатчиликнинг фикри инобатга олинган. Лойиҳа беш хил экспертиза ва муҳокамалардан ўтказилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари мазкур муҳокама ва экспертизаларда фаол иштирок этиб, элликдан ортиқ таклифни тақдим этди.

Сайловда 2 миллиондан зиёд ёшлар илк бор овоз беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партиянинг бир қатор таклифлари, яъни вилоят кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили сонини кўпайтириш, ишончли вакилларнинг сафар харажатларини тўлаб бериш, сайлов комиссиясини тузишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш каби таклифлар лойиҳада инобатга олинди.

22 декабрь — Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови куни деб белгиланди. Марказий сайлов комиссияси (МСК) 20 сентябрь куни бу ҳақда қарор қабул қилди.

Худди шу кундан сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинди ва сайловни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Сайловда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга. Булар — «Миллий тикланиш» демократик партияси, Халқ демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон экологик партияси.

Бу йилги сайлов илк бор Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади. Унга кўра сиёсий партиялар энди барча 150 та сайлов округида ўз номзодини илгари сура олади. Экологик ҳаракат учун квотанинг бекор қилиниши партияларо рақобатни кучайтириши кутилмоқда.

Сайловда 20 миллиондан ортиқ сайловчи қатнашади, шундан икки миллиондан зиёд ёшлар илк бор овоз беради.

Ҳозир Қонунчилик палатасида 2014 йилнинг декабрида тўртта сиёсий партия ва Экологик ҳаракатдан беш йил муддатга сайланган 150 нафар депутат доимий асосда фаолият кўрсатмоқда. ЎзЛиДеП 52, «Миллий тикланиш» 36, ХДП 27 ва «Адолат» 20 ўринга эга. Экологик ҳаракатга 15 та ўрин ажратилган.

Қонунчилик палатасига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси депутат ҳисобланади.

Миржавҳар ЖАМОЛОВ,
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

САЙЛОВ БЎЙИЧА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

2019 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтади.

Табиийки, сайлов бўйича аҳолида турлича саволлар бўлиши мумкин. Шу сабабли Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида 14 октябрдан телефон қўнғироғи маркази (Call center) иш бошлади.

Марказ душанбадан жумага қадар, соат 9:00 дан 18:00 гача мурожаатчиларнинг саволларига жавоб беради. Марказ рақамлари 11-97.




СУДЛАНУВЧИ... СУД РАИСИ ЭКАН

ёхуд ҳамкор ҳам, ҳакам ҳам ғирром чиқди

Бу жиноят тафсилотини эшитиб, беихтиёр "ажаб савдолар" деб юборсангиз ажабмас. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди Олим Қулмуродовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят ишини кўриб чиқди. Энг ажабланарлиси, судланувчининг ўзи суд раиси эди...

О.Қулмуродов 1963 йилда Ғузор туманида туғилган. Олий маълумотли. Оилали, тўрт фарзанди бор. Илгари унга нисбатан юритилган жиноят иши амнистия туфайли тугатилган. Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Нишон тумани ҳакамлик суди раиси, шу билан бирга, Қарши тумани ҳакамлик суди раиси вазифасини бажарувчи лавозимида ҳам ишлаб келган. Бундан ташқари, вилоят ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси ҳуқуқшуноси сифатида ҳам фаолият юритган. Нишон тумани "Наврўз" МФЙда яшаган.

...Қаршилик тадбиркор, "Тантана Ойбек сервис" МЧЖ раҳбари Муниса Толипова 2018 йилнинг октябрь ойида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун "Халқ банки"нинг Қарши шаҳар филиалидан 500 миллион сўм кредит олди. У бу пулга ўзи раҳбарлик қилаётган "Нигоҳ" тўйхонасининг иккинчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этмоқчи эди. Шу мақсадда ҳар хил товарлар олиш учун ҳамкор МЧЖ билан шартнома тузиб, унинг ҳисоб рақамига кредитга олинган пулларни ўтказиб берди.



Келишилган муддатдан анча вақт ўтиб кетди ҳамки, ҳамкорлар молларни етказиб беришни пайсалга солаверди. М.Толипова ҳамкор МЧЖ раҳбари билан битим тузиб, ўртадаги можарони ҳал қилишни ҳакамлик судига топширишга келишишди.

Шу тариқа Муниса Толипованинг турмуш ўртоғи Шукур Суяров Қарши туманлараро ҳакамлик суди раиси Олим Қулмуродовга мурожаат қилди. Ҳакамлик судининг раиси ишни уларнинг фойдасига ҳал қилиб бериши эвазига ундан 5 000 АҚШ доллари талаб қилди. Тадбиркор қулоқларига ишонмади. Аниқлик киритиш мақсадида ўзи суд раиси билан учрашди. Шу гап — "ҳакам жаноблари" қайсар чиқди, беш минг деб туриб олди. Тадбиркор ўйланиб қолди. Бу ёқда ҳамкор ғирромлик қилса, бу ёқда ҳакам...

Ҳакам билан музокара узоқ давом этди. Охири Олим Қулмуродов тадбиркорга ўзича "инсоф қилди": ҳамкоридан ўша 500 миллионни 730 миллион сўм қилиб ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариб беришини, иқтисодий суд мансабдорлари орқали гаплашиб, ижро варақаси чиқартириб, Мажбурий ижро бюросига топширишини айтиб, "хизмат ҳақи" 3 500 АҚШ доллари бўлишини маълум қилди.

О.Қулмуродов тадбиркорнинг "Нигоҳ" тўйхонасидаги хизмат хонасида М.Толиповадан 3500 долларни олган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди...

Суд ҳукмига кўра О.Қулмуродов 1 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан, 2 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳа, ғирром ҳакам бир оддий ҳақиқатни унутган экан чамаси — бу дунёда барча нарсадан улуғроқ ҳакам бор. Бу ҳакам, ҳеч шубҳасиз, адолатдир.

Рустам САЙФИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба 2020 йил учун QSнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингига қайд этилди.

ҚАЙТА ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ

Сўнгги йилларда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор чоралар кўрилди. Маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупцияга ва ваколатни суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура академияси кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи

Хусусан, жазони ижро этиш тизимида таълим муассасаларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинди, маҳкумларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялар жорий этилди, биринчи навбатда воя-га етмаганлар ва ҳунарсиз маҳкумларни касбий тайёрлаш механизмлари қайта кўриб чиқилди.

Маҳкумларни касбга йўналтириш учун бир қанча тўғараклар ташкил этилган.


Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида маҳкумлар, биринчи навбатда вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш масалалари жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилди.

Бундан ташқари, "Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги (2019 йил 14 март) қонунга мувофиқ Жиноят-ижроия кодексининг 97-моддасида маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб боришда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид таълимини ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг ҳужжат бериш ҳамда кейинчалик ишга жойлаштиришга доир қоидалар белгиланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги "Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 318-қарори асосида тарбия колонияларида касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг натижалари билан яқиндан танишиш мақсадида Бош прокуратура академиясининг профессор-ўқитувчилари ҳамда магистратура босқичи талабалари иштирокида Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган тарбия колониясида сайёр ўқув машғулотлари ташкил этилди. Тадбир давомида муассаса ходимлари вояга етмаганлар учун яратилган шароитлар ҳамда уларни касбга йўналтириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Бугунги кунда муассасада маҳкумларнинг билим олиши ва уларни касбга тайёрлашни таъминлайдиган умумтаълим ҳамда касб-ҳунар таълими дастурларини самарали ташкил қилиш мақсадида дарслар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, маҳкумларни жамиятга мослаштириш мақсадида меҳнат бозорида талаб этилган касбларни эгаллаши учун бир қанча тўғараклар ташкил этилган. Хусусан, "Компьютер саводхонлиги", "Инглиз тили", уста-шогирд анъанаси асосида "Тикувчилик сирлари" ва "Ёғоч ўймакорлиги", "Avtotest report" МЧЖ томонидан "Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш" тўғараклари шулар жумласидандир.

Тадбир якунида мазкур жараёнларни янада ривожлантириш ҳамда вояга етмаганларни касбга йўналтириш борасида қўшимча машғулотларни ташкил этиш бўйича фикр алмашилди.



Инсоният келажаги кушандаси

Шухрат ҲИКМАТОВ,
Пешку тумани прокурори

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб профилактик тадбирлар ўтказилаётганига қарамасдан, афсуски, айрим ёшларимиз мазкур иллат гирдобига тушиб қолиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этмоқда.

1991 йилда туғилган Д.Баҳронов ва Б.Толибов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноий тил бириктириб, 2019 йилнинг 20 апрель куни Россиядан 200 грамм гашишни Ўзбекистонга яширинча олиб кирган вақтда ушланган. Жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ва суд муҳокамаси натижасига кўра судланувчилар айбли деб топилиб, ҳар бири 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу каби жиноятлар аҳоли билан учрашувларда танқидий муҳокама этилиб, уларнинг мудҳиш оқибатлари иштирокчиларга тушунтирилаяпти. Ёшларимиз бундай иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун туман ИИБ ва бошқа мутасадди идоралар ҳамда жамоатчилик билан биргаликда зарур чоралар кўрилмоқда.

Гиёҳвандлик пулга сотиб олинган ажалдир. Шундай экан, инсоният келажагининг кушандаси бўлмиш гиёҳвандликка қарши курашиш ҳамда ёшларни бу каби иллатлардан асраш барчамизнинг вазифамиздир.

Энергия ресурслари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб юрган бўлсангизу, таъминотчи корхоналар гарданингизга қарздорлик илиб қўйса, жиғибийрон бўлишингиз табиий. Тўғри-да, емаган сомсага пул тўлаш кимга ҳам ёқарди?

АҲОЛИ ГАРДАНИГА ТАШЛАНГАН «ЮК»

Абдуваҳоб ШЕРМАТОВ,
МИБ Янгийўл тумани бўлими инспектори

Бугун аҳолининг табиий газга, электр энергиясига эҳтиёжи ошган, коммунал тўловлар қарздорлигига муносабати ҳам ўзгарган, одамларда ҳуқуқий даҳлдорлик ҳисси пайдо бўлган. Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг дунёқарашидаги бундай ўзгаришлар унинг турмуши яхшиланишига хизмат қилади.

Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги 5059-фармони ва Мажбурий ижро бюроси директорининг 2019 йил 29 мартдаги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида МИБ Янгийўл тумани бўлими томонидан "Янгийўл туман газ таъминоти" корхонасидаги ҳисоб-китобларнинг аҳволи ўрганилганда истеъмолчилар сунъий равишда қарздор қилиб қўйилгани аниқланди.

Бюронинг туман бўлими томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 2278 нафар фуқарога ҳисобланган 5 миллиард 302 миллион 63 минг 108 сўм нореал қарздорлик дастурдан чиқарилиб, фармон ижроси таъминланди.



НОРЕАЛ ҚАРЗДОРЛИКНИНГ РЕАЛ ЕЧИМИ

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон тумани бўлими 2018 йил ва 2019 йилнинг 8 ойида таъминотчи корхоналар томонидан энергия ресурслари бўйича жами 1478 кишига асоссиз ҳисобланган 924 миллион сўм қарздорлик "Электрҳисоб" ва "Биллинггаз" дастуридан чиқарилишини таъминлади.

Бобомурод УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бош инспектори

Хусусан, Қудаш қишлоғида яшовчи А.Аҳмедовнинг эшигини тақиллатиб борган давлат инспектори электрҳисоблагич кўрсаткичи ва истеъмолчи амалга оширган тўлов бўйича тафовут бўлмаса-да, унинг электр энергиясидан 14 миллион 162 минг сўм қарзи борлигига ҳайрон бўлади. Ўз навбатида, истеъмолчи ҳам бир неча йилдан буён шу қарздорлик мавжудлиги, бормаган идораси, кирмаган эшиги қолмагани, ҳеч ким унга ёрдам бермагани, шу ҳолат Мажбурий ижро бюроси томонидан ёрдам берилишини илтимос қилади.

Ўрганишлар натижасида таъминотчи корхона илгари А.Аҳмедовнинг "Электрҳисоб" дастуридаги шахсий ҳисоб варағига ҳеч қандай асосларсиз 14 миллион 162 минг сўм қарздорлик киритгани аниқланиб, тегишли ҳужжатлар асосида қарздорлик олиб ташланди.


Шунингдек Яйпан шаҳри Д.Далиев кўчасида яшаётган З.Султонов бюронинг Ўзбекистон тумани бўлимига электр энергиясидан 1 миллион 344 минг 600 сўмлик нореал қарздорликни олиб ташлашда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Табиийки, унинг мурожаати қаноатлантирилиб, асоссиз қарздорлик бекор қилинган.

Баъзи истеъмолчилар тўқликка шўхлик қабилида иш тутиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланмоқда. Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг 8 ойида жами 292 та ҳолатда 665 миллион 671 минг 600 сўмлик электр энергия талон-торож қилингани аниқланган. Масалан, Яккатут қишлоғи Саховат кўчасида яшовчи Р.Жўрақўзиевнинг хонадонида бир неча йилдан буён ҳар ой атиги 10-15 минг сўмлик электр энергияси ишлатилиши МИБ ходимларида шубҳа уйғотди. Хонадонда ўтказилган тезкор тадбирда барчаси ойдинлашди. Ҳуқуқбузар Р.Жўрақўзиев хонадондаги деярли барча электр жиҳозларидан электр тармоғига яширинча уланган тармоқ орқали фойдаланиб келаётган экан. Хонадон тармоқдан узилгач, беш-олти кун электрсиз яшаб кўрган ҳуқуқбузар давлатга етказган зарарни тўлиқ тўлаб берди.

Намунали истеъмолчи электрдан 14 млн. сўм қарзи борлигидан тааҗжубга тушди.

Ҳурматли истеъмолчилар, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланманг, бу ўзингизга қимматга тушади. Юқоридаги мисол сизга сабоқ бўлар деган умиддамиз.

17-22 октябрь кунлари Ўзбекистонда «Биз келажак учун жавобгармиз» шиори остида биринчи маротаба «ARAL MARATHON» халқаро экологик марафони бўлиб ўтади.



Ижтимоий тармоқлар орқали қора кучларнинг экстремизм ғояларини тарғиб қилиши, бундай ёвузликларга қарши иммунитети шаклланмаган, оддий тил билан айттанда, ғўр ёшларни қармоғига илинтириши янгилик эмас. Бунга қарши курашилмоқда, бироқ ҳали ҳам ижтимоий тармоқлар орқали бундай кучларнинг таъсирига тушиб қолаётган ёшлар учраб турибди. Қуйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДА АДАШГАНЛАР

Шерали ТОШБОЛТАЕВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Файзулла ЭГАМҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Конституциямизда эътиқод эркинлиги кафолатланган. Ҳар ким хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бирга, мамлакат тараққиётига ғов бўладиган, тинч-тотув турмушимизга раҳна соладиган, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши тақиқланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик билиб-билмасдан экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган, хатосини англаб етганларга ҳақ йўлга ўтишлари учун имкон берилаётганида намоён бўлмоқда. Уларга имкон бериш баробарида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ижтимоий тармоқлар воситасида эътиқоди тўкис шаклланиб улгурмаган йигит-қизларнинг онгини заҳарлашдан иборат жиноий қилмишларнинг олдини олиш чоралари кўрилаяпти.

Жиноят кодексига мувофиқ экстремизм, сепаратизм ғоялари билан йўғрилган, фуқароларни қирғин қилишга ёки зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумот ва материалларни тарқатиш энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қўқон шаҳрида яшовчи 25 яшар Абдусалим Ҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тадбиркорлик билан шуғулланган, беками-кўст турмуш кечирган. Қуръон суралари, намоз ўқишни бобосидан ўрганган. У 2017 йилнинг бошида "Телеграм" ижтимоий тармоғида ўзининг профилини очади. 2018 йилнинг декабрь ойида "Саловатлар" деб аталган каналга уланади ва видео ва аудио шаклидаги диний маърузаларни эшитиб юради. 2019 йилнинг 15 февраль куни каналга кириб "Жиҳодчилар" экстремистик оқимининг фаол аъзоларидан бири Абдуллоҳ домланинг "Жаннатга ошиқлар" номли экстремистик мазмундаги маърузасини телефонига юклаб олади. Ушбу маърузани "Телеграм" тармоғи орқали "Қорилар гуруппаси" ва "Оқибатли дўстлар" номли гуруҳларга аъзо бўлган 11 нафар синфдоши ҳамда 14 нафар танишига тарқатади.

А.Ҳамидовнинг жиноий қилмиши гувоҳлар, синфдошлари ва танишларининг кўрсатмалари билан тасдиқланди. Айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан астойдил пушаймонлигини билдирган судланувчига тўрт йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

XXI аср ахборот асри деб эътироф этилиши бежиз эмас. Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли қанча маблағ талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш бўлиб қолди.

Жаҳонда "ахборот уруши" кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайқаши қийин эмас. Масалан, бирон мамлакатнинг турмуш тарзи, қадриятларини улуғловчи рисолалар, кинофильмлар тарқатилмоқда дейлик. Табиийки, бундай ахборот жамиятда ижтимоий фикр шаклланишига таъсир этмай қолмайди.

Ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари, таассуфки, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтиради.

Пастдарғом туманида яшовчи Фарруҳнинг ҳам ҳаётида шундай воқеа юз берди. У ишлаш мақсадида Россияга кетди. У ерда қурилишда ишлаб, яхши пул топди. Кейинчалик эса хонадош дўстларидан исломий таълим ола бошлади. Масжидларга бориб намоз ўқишни канда қилмади. Бу яхши, албатта.

Аммо дин ниқоби остида ёвузлик яширинган бўлса-чи? Ўзларини художўй қилиб кўрсатганлар ҳали ғўр, оқни қорадан ажрата олмаган бу йигитдан ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланса-чи? Бундан ёмони йўқ.

Фаррух ўзининг уяли телефони орқали "Одноклассники.ру" ижтимоий тармоғида шахсий профилини яратди. Кейинчалик тармоқда Abdulloh Zufar, Aby Umar, Iqbol каби жами 29 киши билан дўстлашди. Энг ёмони, бу "дўст"ларнинг қарийб барчасининг онгу шуури экстремизм ва ақидапарастлик ғояларига тўла эди. Улар аста-секин Фарруҳни ҳам ўз сафига қўшиб олишди. Энди Фаррух ҳам бу кимсаларнинг бутун дунёда конституциявий тузумни ағдариб, унинг ўрнига исломий давлат қуриш ғояларини маъқуллай бошлади. Бундай ғоялар билан йўғрилган материалларни тармоқ орқали тарқата бошлади. Фаррух бу ғоялар таъсирига шунчалик тушиб қолдики, ҳатто ИШИДнинг жанговар ҳаракатларида иштирок этиш учун Сурияга бориш истагида ёна бошлади. Аммо ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари билан вақтида қўлга олингани боис унинг бу нияти амалга ошмай қолди.

Суд ҳукми билан Фаррух Эшмуродов 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

ҲИССАСИНИ ОЛГАН КИССАВУР ҚИССАСИ

Жавоҳир МЎМИНОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

"Шум бола" фильмидаги эгасини "рози қилиб" пул ўғирлайдиган Султон ўғри эсингиздами? Ҳа, ўша бозорда бир кишининг ҳамёнини ўғирлаб, ичидаги пулини санаб, сўнг ўзининг "Ё Али" деб ёзилган узугини солиб, қайтариб жойига қўйгач, "ўғрини тутдим" дея айюҳаннос соладиган киссавурни назарда тутаяпмиз. Гап шундаки, ҳикоямиз қаҳрамони ҳам фильмнинг шу саҳнасидан ўзича сабоқ чиқарган бўлса ажабмас...

Фаррух (исм-фамилиялар ўзгартирилган) товуқ бозорида айланиб юрарди. Нарх-навони суриштириб юрар экан, кимдир унга урилди-ю елкасига осиб олган рюкзаги тортқиланганини сезди. Дарҳол қаради: рюкзакнинг ён томони кесилган эди. Ўсмирнинг ранги оқариб, рюкзак ичига қўл тиқди. 300 минг сўм пули йўқ эди...

Бир муддат эсанкираб турди-да, ҳимоя истаб "пулимни ўғирлашди" деб бақирди. Нарирокда турган ўсмир унинг ёнига келиб сўради:

— Ҳа, ошна, пулинг йўқолдими?

— Ҳа, уч юз минг сўм эди...

— Мен кўриб турдим, — деди нотаниш бола ва сўнг бармоғини бигиз қилиб, одамлар орасида кетаётган кепкасини бостириб кийган қорамағиз кишини кўрсатди: — Пулингни ҳув анави киши олди. Қани, югур, кетдик...

Икковлон кепкалининг ортидан югуришди.

— Нимага пулимни оласиз? — деди Фаррух бироз ҳовлиқиб у одамга.

Кўзлари олазарак бўлган кепкали киши олдинига бироз каловланиб қолди-ю, сўнг дағдағага ўтди:

— Нималар деяпсан сен бола ўзингча? Оғзингга қараб гапир. Мен ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ...

— Нега бировнинг пулини ўғирлайсиз? — деди Фаррух билан бирга келган нотаниш бола. — Уялмайсизми капкатта одам... Ўғирлаганингизни ўзим кўрдим-ку...

Кепкали киши болаларнинг гапига парво қилмасдан секин сирғалмоқчи бўлганди, гувоҳликка даъво қилаётган бола одамларни жалб қилиш учун бақира бошлади. Дарҳол одам тўпланди. Бу орада кепкали киши пулнинг бир қисмини секингина ёнидаги нотаниш лўлига узатиб юборди.



— Бўлди, бўлди, бақирманглар, келишайлик, — деди ва ёнидаги чарм сумкасини кавлаб, пул чиқарди. Болалар пулни санаб олишди — 140 минг сўм экан.

— Қолгани қани? — деди Фаррух ачиқланиб. — Пулим уч юз минг эди...

— Бошқа пулим йўқ, — деди кепкали ва чўнтагидаги майда-чуйда пулларини чиқариб кўрсатди. — Мана, мана...

Мунозара авжига чиқди. Бу орада кимдир чақирган ички ишлар ходимлари етиб келиб, кепкали кишининг ёнидаги барча нарсаларни расмийлаштириб олишди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида бўлиб ўтган суд мажлисида мазкур жиноят тафсилотига ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, ўсмирнинг пулига чанг солган киссавур Қарши тумани Дашт қишлоғида яшовчи, 1970 йилда туғилган Самандар Қудратов экан. У илгари Россияда қилган жиноятлари учун бир неча марта қамалган. Шунча саргузаштдан ҳам хулоса чиқармаган қаҳрамонимиз "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" қабилида навбатдаги жиноятга қўл уришдан тап тортмабди...

Суд мажлисида у қилмишига иқрор бўлди. Бундан ташқари, унинг жинояти гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ўз исботини топди. Суд ҳукмига кўра Самандар Қудратовга ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки ярим йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Жабрланувчига етказилган зарар қопланган қайд этилди.

Бир киссавур қиссасига шу тарзда нуқта қўйилди. Балки бу қисса унинг учун сўнггиси бўлар?!

Эндиликда тўхташ мумкин бўлмаган жойларда қолдирилган автомобиллар эвакуатор ёрдамида йўлдан олиб ташланади. Бу ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизмати хабар бермоқда.



ДХХда ишлашини рўкач қилиб...

Зокир Сапаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қирқ ёшда. Уч фарзанднинг отаси. 2012 йилда жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди томонидан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2015 йилда унга нисбатан амнистия акти қўлланган. Аммо у олган жазосидан ҳам, берилган имкониятдан ҳам тегишли хулоса чиқармаган.

Зокир Сапаевнинг суд мажлисида билдиришича, ҳаммаси 2016 йилнинг март ойида хотини Шоҳиста Азизовага тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси очиб бериш мақсадида ер участкаси олиш учун Урганч шаҳар ҳокимига ариза билан мурожаат қилганидан бошланган. Шунинг ташвишида юрганида унга МХХдан пенсияга чиққан бир таниши қўнғироқ қилиб, уйига меҳмон келганини айтиб, уни ҳам таклиф қилган. Таниши уни меҳмонларга шогирдим деб таништирган. Меҳмонлар орасида Хоразм вилояти архитектура идорасида ишловчи киши ҳам бўлган. Бу Зокир учун айни муддао эди. Орадан ўн-ўн беш кун ўтганидан сўнг ер масаласида уни излаб идорасига борган. "МХХ ходими"га ёрдам кўрсатилган. Қисқа фурсатда тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ер ажратиш тўғрисида шаҳар ҳокимидан рухсат олиб берилган. Шу воқеа сабаб иши тез битган Зокирга "МХХ ходими" бўлиш ёқиб қолди.

Энди у учраган одамга ўзини шу соҳа вакили сифатида таништира бошлади. Шу орада фуқаро Хуррам Қосимов билан танишди. У Ҳазорасп туманида тадбиркорлик субъекти ташкил қилиш ниятида экан. Зокир унга вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси мансабдорлари орқали Ҳазорасп туманида жойлашган архив биносини нол қийматда олиб беришни ваъда қилди. Бунинг эвазига 2016 йилнинг охирларида Тошкент шаҳар "Фарҳод" бозори олдида 2 000 АҚШ доллари ва 2017 йилнинг апрель ойида Урганч шаҳридаги "Даритал" савдо мажмуаси олдида 5 миллион сўмни олди.

2010 йилда ҳажга бирга борган эски таниши Бобур Авазов билан орадан 7 йил ўтиб учрашган Зокир яна бир "ўлжа" топилганидан хурсанд эди. Эски таниши тадбиркорлик билан шуғулланиш учун Урганч туманидан нотурар жой олиш нияти борлигини билди. Зокир бу масалага Урганч тумани архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи орқали ечим топишини айтди. Орадан маълум фурсат ўтгач, Бобур билан яна учрашиб, иши битганини маълум қилди ва хизмати эвазига ундан 3 000 АҚШ доллари олди. Аммо иш битмаган эди. Б.Авазов қистовга олавергач, 2018 йил июль ойида 2 500 долларни қайтариб беришга мажбур бўлди.

Бироқ Бобур уни "қуруқ" қўймади. Гап шундаки, у Зокирнинг қармоғига бошқа "балиқ"ни илиб кетади. Яъни Зокирни Урганч туманида шиша ювадиган цех очиш ҳаракатида юрган Азим Аллаёров билан таништиради. А.Аллаёров ДХХ ходимининг қўли ҳамма ерга етади деб, ундан ер олишда ёрдам беришини сўради. Зокир ундан ишини ҳал қилиб бериш учун аввалига 1 000 АҚШ долларини олди, 2018 йил февраль ойида эса яна 3 000 АҚШ доллари сўради. Бироқ ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

2018 йил август ойида эски таниш-ларидан бири уни фуқаро Зариф Акмалов билан таништириб қўйди. Бу жаноб лаққа балиқнинг ўзгинаси экан. Унинг кўп қаватли уй қуриш мақсадидан хабар топган Зокир шериклик таклиф қилди. Уй қуриш учун ер масаласини ҳал қилишни ўз зиммасига олди. Кўп ўтмай "шерикчиликда ўзаро ҳисоблашаверамиз, менга пул керак бўлиб турибди" деб 5 000 АҚШ доллари сўради. Кейинроқ яна 19 000 доллар олди.

Буни қарангки, кўпчилик қатори Урганч тумани архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Даврон Азимов ҳам Зокирнинг ДХХда ишлашига ишонарди. Бир неча марта уни подполковник либосида кўрганидан кейин ишонмай бўладими? Даврон ҳам ундан айрим масалаларни ҳал қилишда ёрдам сўрай бошлади. Ер олишда ёрдам сўраган тадбиркор танишларига Зокир ҳамма масалани ҳал қилишини айтадиган бўлди. Д.Азимов билан яқин бўлиб қолишди.

2018 йил август ойида Зокир Тошкентда юрганида Д.Азимов қўнғироқ қилиб, Тошкент давлат юридик университетига ўқишга киришга кўмаклашини айтиб, ёрдам сўради. "Бунинг иложи йўқ, — деди Зокир. — Лекин Украинанинг Харьков университетига ҳужжат топшириб, 1-курсдан кейин ўқишни Тошкент давлат юридик университетига кўчириш мумкин". "Бўлмаса шуни ҳал қилиб беринг" деган илтимос Зокир учун айни муддао бўлди. Даврондан паспорти ва дипломи нусхалари ва 5 000 АҚШ долларини олди.

Одамларнинг ишонувчанлиги ортидан келаётган текин даромад ёқиб қолган чамаси З.Сапаев энди каттароқ "ўлжа"ларни илинтириш пайига тушди. Даврон орқали танишган фуқаро Ориф Мардиев шундайлар тоифасидан бўлиб чиқди. Зокир уни кўп хонадонли уй қуришга рухсат олиб бериш учун Хоразм вилояти ҳокимлиги мансабдорларига пора беришга қизиқтириб, ундан 20 000 АҚШ доллари, 2018 йилнинг май ойида 30 000 АҚШ долларига ҳисоблаб 240 миллион сўмни ва 2018 йилнинг июнь-июль ойларида яна 20 000 АҚШ долларини олишга муваффақ бўлди.

Бу орада З.Сапаев яна бир фуқаро Азамат Маҳмудов билан танишди. Унга нисбатан Бош прокуратура томонидан қўзғатилган жиноят ишида енгиллик беришни ваъда қилиб, 10 000 АҚШ долларини қўлга киритди.

Сохта ДХХ ходими шунча пулни нима қилганига қизиқаяпсизми? У фирибгарлик йўли билан қўлга киритган 35 000 АҚШ долларига Тошкент шаҳридан уй, 75 миллион 800 минг сўмга "Спарк" автомашинаси сотиб олди.

У ҳар доим танишларига ДХХнинг марказий аппаратида ишлаши, Хоразм вилояти бошқармасида бўйсунмаслиги, илгари ДХХнинг Бухоро вилояти бошқармасида ишлагани, Афғонистонда разведкачи бўлгани ҳақида эртак тўқирди. Кўпинча ҳарбий кийим кийиб юрарди.

З.Сапаевнинг уйи тинтув қилинганда бир нечта ҳарбий либос топилган.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача дейишади. З.Сапаевнинг қилмишларига ҳам чек қўйилди. Сохта ДХХ ходими суд ҳукми билан 11 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Унга лаққа ишониб, мижоз топиб берган Даврон Азимов ҳам жазодан қуруқ қолмади. Икки йилга давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдор ва моддий жавобгар шахс лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Элдошларимиз бундай фирибгарларнинг тузоғига илинмаслиги учун огоҳ бўлиши лозим.

Элёрбек СОБИРОВ,
Хива шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш юрганувчи
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

ЭШИК ҚОҚҚАН КИМ?

Фарҳод (исм-фамилиялар ўзгартирилган) астойдил меҳнат қилиб, тер тўкиб эмас, устига гард қўндирмасдан мўмай даромад топишни ўйлайди. Илгари судланган бу йигит яна жиноятга қўл урди.

У ўғирлик қилиш мақсадида Оқдарё тумани "Пўлатдархон" МФЙда қурилган намунали уйлар олдига келди. Қайси уйда одам йўқлигини билиш учун дарвозаларини тақиллатиб кўрди. Бир уйдан эгаси чиқиб қолди. Вазиятга тайёр турган Фарҳод ёлғондан бир кишини сўради.

— Бундай киши йўқ, — деди уй эгаси.

Фарҳод ўзини ҳайрон бўлгандек тутиб, йўлида давом этди. 150 метрлар юриб бир дарвозани тақиллатди.

Уйдан ҳеч қандай товуш эшитмагач, кимсасизлигига амин бўлди. Девор ошиб, уйга кирди. Битта колонка, иккита гилам, эркаклар костюми, шарбат чиқаргич, битта саёҳат сумкаси ва битта электр печкани адёлга ўради. Яна иккита болалар велосипедини олди, хуллас, уйдан жами 4 миллион 430 минг сўмлик буюмларни ўғирлаб чиқди. Киракаш таниши Элдорни телефон орқали чақирди. Такси ярим соатлар ўтиб келди. Ўғирланган буюмларни юкхонага ортиб, йўлга тушишди.

— Буларни кимдан олдинг, қаерга олиб кетаяпсан? — сўради Элдор.

— Уй эгаси Туркияга кетган. Буюмларини бозорга олиб чиқолмайман. Таниш-билишларга сотишим керак.

— Э, ўғирладингми? Калланг жойидами?

— Ҳа, ўғирладим. Менга пул керак, — деди ўзини оқламоқчи бўлиб.

Фарҳод "Бир сенга эмас, ҳаммага пул керак" деб насиҳат қилаётган танишининг гапларини эшитишни истамади. Ўзи билганча иш тутди. Қўлга киритганларини арзон нархларда сотиб, пулини сарфлаб юборди.

"Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганлар. Фарҳод ўғирликни касб қилиб олди. Эски манзилдан, бугал у F.Нарзиевнинг уйидан 1 миллион 500 минг сўмлик телевизорни ўмарди. Одамлар кўзидан пана қилиб, бир матога ўради. Ярим пули — 700 минг сўмга сотиб юборди.

Орадан ўн беш кунлар ўтгач, яна шу ерга келди. Кимсасиз уй қидириб юрган Фарҳод бир уйнинг эгалари машинага ўтириб кетишаётганини кўрди. Булар ишга шошаётган А.Қодиров ва оиласи эди. Йигит тўғри шу уйга келди ва девор ошиб ҳовлига кирди. Бу ердан ҳам битта телевизор, иккита тюнер, фен, электр печ ва битта термос — жами 2 миллион 500 минг сўмлик буюмларни олиб кетди.

Маҳалладагилар йўқолган жиҳозлари ҳақида тегишли жойга арз қилди. Кўп ўтмай Фарҳоднинг қилмишлари фош этилди.

Суд ҳукми билан Фарҳод Исроилов аввалги тайинланган жазоси қисман қўшилиб, узил-кесил ўташ учун 5 йилу 4 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Униб ўсаётган ёшлар навниҳолга қиёсланади. Ниҳолга зарар етмасин деб баъзан атрофи ўраб қўйилади ёки тўғри таёққа боғлаб, тик ўстиришга уринилади. Фарзандларимизнинг ҳам қинғирлиги сезилса, тезда чора кўриш керак. Акс ҳолда оқибати хунук бўлади...

Ашрафжон ОЧИЛОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Эндиликда ун ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган бугдой фақат биржа орқали сотилади.

FAOLIYATIDAN

Бузоқнинг югургани — сомонхонагача...

Зулфия ПАТТИЕВА,
МИБ Андижон вилояти
бошқармаси инспектори

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисидаги шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси МДҲ давлатларидаги судларнинг қарорларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ваколатли орган этиб белгиланди.

МИБ Андижон вилояти бошқармаси ахборот таъминоти ва қидирув шўъбаси, туман-шаҳар бўлимлари қидирув инспекторларининг тезкор тадбирлари натижасида 2019 йилнинг ўтган даврида қидирувдаги 480 кишидан 246 нафари топилиб, улардан 570 миллион 500 минг сўмлик қарз ундирилди.

Шунингдек, қарздорларга тегишли бўлган қидирувдаги 273 та автотранспортдан 223 таси топилиб, 5 миллиард 876 миллион 200 минг сўмлик қарз ундирилди. Мисол учун, Наргиза Аҳмадалиеванинг 64 миллион сўм қарзини Андижон шаҳар Бўстон даҳасида яшовчи Улуғотхон Жаҳоновдан ундириш белгиланган. Қарздор қарзини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун унинг "Жентра" русумли автомобилига қидирув эълон қилинган бўлиб, суриштирув натижасида автомобил Пахтаобод туманидан топилди ва жарима майдонига олиб кирилди.

Қидирувдаги 246 нафар шахс топилиб, улардан 570 млн. сўмдан ортиқ қарз ундирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2016 йил 3 августдаги буйруғига асосан Ф.Мирзаевдан С.Ҳасановага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Қарзини тўламагани учун 2019 йил 23 июлда Ф.Мирзаевга нисбатан қидирув эълон қилинган. Кўрилган чоралар натижасида қарздор топилиб, 2019 йил 1 сентябргача алиментдан 10 миллион 354 минг 787 сўм қарзини тўлашдан бош тортгани сабабли 2019 йил 10 сентябрда Балиқчи туман маъмурий суди томонидан унга нисбатан МЖТКнинг 474-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, Нодирбек Мамажоновдан Моҳидилхон Ўринбоевага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бироқ қарздор уни тўлашдан бўйин товлаб юрган. Н.Мамажоновга 2019 йил 15 августда қидирув эълон қилинди. Тез орада қарздор топилиб, МЖТКнинг 474-моддасига асосан 15 суткага қамалди.

Имкониятдан фойдаланмади ва судланди

Жамшид РАЖАБОВ,
МИБ Қуйичирчиқ тумани бўлими бошлиғи

Бюронинг Қуйичирчиқ тумани бўлими Ўзбекистон Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, тумандаги тош майдалаш цехида ўтказилган текширишда электр тармоғидан ноқонуний фойдаланиб келингани аниқланди.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра корхона жами 103 440 кВт. электр энергиясидан қонунга хилоф равишда фойдалангани натижасида Тошкент электр тармоқлари корхонаси ҳудудий филиалига 107 миллион 759 минг сўм моддий зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбари Р.Тўхтаевга етказилган зарарни қопласа жавобгарликдан озод этилиши тушунтирилди. Бироқ корхона раҳбари белгиланган 30 кунлик муддатда зарарни тўлаш имкониятидан фойдаланмади. Шу сабабли Р.Тўхтаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Иш судга оширилди, судда жазо олиши мумкинлигини билган Р.Тўхтаев зарарни тўлиқ бартараф этди.

Фарғона вилоятининг Ёзёвон чўлида пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари С.Н. ерни сув насослари орқали суғоришда электрҳисоблагични тармокдан узмаган ҳолда тўхтатиб қўйиш йўлини топди.

Фермернинг найранги

Ахрорбек АРЗИЕВ,
Бош прокуратураси ҳузуридаги
МИБ бўлим катта инспектори

У сув насосидаги 100 амперли электрҳисоблагичга таъсир кўрсатган ва электр энергиясидан ҳеч қандай ҳисобсиз, ноқонуний фойдаланиб келган.

Мажбурий ижро бюроси Ёзёвон тумани бўлими тезкор ходимлари ушбу ҳолатни фош этгач, фермер жами 75844 кВт электр энергиясини ноқонуний ишлатгани, оқибатда давлатга 25 миллион 104 минг 600 сўм зарар етказгани маълум бўлди.

С.Н.га жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун қонунга кўра бир ой ичида зарарни тўлиқ қоплаши лозимлиги тушунтирилгач, у зарар суммасини тўлиқ тўлади.

Тадбиркор ҳуқуқи ҳимояда

у ўзи қонунни ҳурмат қилаяптими?

Голибжон ХУСАНОВ,
МИБ Конимех тумани бўлими бошлиғи

Электр, газ узатиш ва сув тақсимлаш соҳасида тадбиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратилган. Уларга ишлатилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳамда талон-торож қилмаслик тарғиб қилинмоқда.

Лекин баъзи тадбиркорлик субъектлари яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланмаётганидан ҳайрон қоласан киши. Хусусан, бюронинг Навоий вилояти бошқармаси ҳамда Конимех тумани бўлими ходимлари ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказди. Тадбир давомида "Конимех Қизилқум Шубат" МЧЖ раҳбари Азим Элдоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) электр энергияси тармоғига ноқонуний уланиб олгани натижасида таъминотчи корхонага 4 миллион 252 минг 500 сўм зарар етказгани аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича жамият раҳбарига маъмурий суднинг қарори билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинди.

Ноқонуний ҳаракат зарар келтирди

Аҳаджон НИЗАМОВ,
МИБ Уйчи тумани бўлими бошлиғи

Мажбурий ижро бюросининг Уйчи тумани бўлими тезкор ходимлари томонидан электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш, ўғринча фойдаланишнинг олдини олиш борасида тизимли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Бироқ олиб борилаётган тарғибот тадбирларига қарамай, ҳали-ҳануз айрим истеъмолчилар тармоқлардан ўғринча фойдаланишни ўзларига эп кўрмоқдалар.

Уйчи тумани Ўнҳаёт маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Ю.нинг хонадонида тўлов интизомига амал қилиниши, тармоқлардан фойдаланиши кўрилганда ноқонуний ҳолат аниқланди. Яъни истеъмолчи "ҳеч ким билмайди", қабилида иш тутиб, электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларига зид равишда тармоққа ҳисоблагичдан ташқари уланиб олгани маълум бўлди.

Хонадонда ўтказилган ўрганишлар жараёни ва олиб борилган суриштирувлар натижасида фуқаро ушбу ноқонуний ҳаракати билан таъминотчи корхона манфаатларига салкам 38 миллион сўм зарар етказгани аниқланди.

Фуқаро Д.Ю қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарар ўрнини муддатида тўлагани ўзига фойда берди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилди.

Баҳоналар ўтмади, тўлади

Ҳамид КОРАЕВ,
МИБ Гулистон шаҳар бўлими давлат ижрочиси

Ота бўлиш — бахт. Бироқ негадир баъзи эркаклар болаларини ташлаб қўйгани етмагандай, моддий таъминотини ҳам унутмоқда.



МИБ Гулистон шаҳар бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг ижро варақасига асосан Эркин Тошбековдан Муҳаббат Тошбековага даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида ижро ҳужжати келиб тушган.

Аниқланишича, ота алимент пулини ўз вақтида тўламай, турли баҳоналарни рўкач қилган. Натижада унинг қарзи 26 миллион 622 минг сўмга етган. Давлат ижрочиларининг тушунтиришидан сўнг ота масъулиятни ҳис этди шекилли, 2019 йилнинг сентябрь ойигача алимент пулини тўлиқ тўлаб берди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг ижро варақасига асосан Фарҳод Қосимовдан Зуҳра Мўйдиновага вояга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун даромадининг 1/2 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувига келиб тушган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида жами 34 миллион 522 минг сўм алимент пули тўлиқ ундириб берилди.

Ота нега фарзандини яширди?

Феруза ТЎРАЕВА,
МИБ Яккасарой тумани бўлими суриштирувчиси

Ижтимоий тармоқларда тарқалган мудҳиш хабар қалбларни ларзага солди. Алимент тўлашни истамаган наманганлик ота ўзининг пушти камаридан бўлган фарзандини каналга улоқтириб чўктирган.

Ҳаёт қизиқ, кимдир эртага ўз боласи оёғига тушов бўлишини ўйлаб, бошқа бир ота эса фарзандини турмуш ўртоғига бермаслик мақсадида жиноятга қўл урди.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2018 йил 28 февралдаги қарори кўра Ф.Ориповдан фарзандини А.Фатхуллинага олиб бериш ва унинг онаси билан яшаши белгиланган юзасидан ижро варақаси МИБ Яккасарой тумани бўлими иш юритувига олинган.

Бола бир буюммидики уни бирор жойга беркитиб қўйсанг. Ф.Орипов суд қарори чиққунга қадар фарзандини собиқ турмуш ўртоғига кўрсатмай келган. Болани онасига қайтаришни истамаган ота 2019 йилнинг июнь ойида маъмурий жавобгарликка тортилган. Аммо у бундан хулоса чиқармасдан, давлат ижрочисининг қонуний талабини бажармасдан, суд ҳужжати ижро этилишига тўсқинлик қилиб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан МИБ Яккасарой тумани бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Тошкент вилоятида олимга муаллифлик ҳуқуқи учун қарийб 86 миллион сўм қарз ундириб берилди.

FAOLIYATIDAN

Бировнинг ҳақидан ҳазар қилмаган почтачи

Ойбек МУХТОРОВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Бугунги кунда кўпчилик ишлатган электр энергияси, табиий газ ва сув пулини ўз вақтида тўлаб бормоқда. Демак, зиммасидаги мажбуриятини адо этмоқда.

Пулини тўлаган кунидан бошлаб истеъмолчи кўнглини тўқ қилса бўладигандек гўё. Лекин тўловни қабул қилиб олган муассаса ишни охирига етказмаган бўлса-чи?! Афсуски, бундай ҳолатлар учраб турибди. Узоқда эмас, пойтахтимизда ана шундай ҳолат содир бўлди.

Муниса Холиқбердиева (исм-фамилияси ўзгартирилган) 23 ёшни қарши олган кезлари хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келаётгани учун унга Чилонзор туманлараро почта алоқаси боғламасининг Яккасарой туманида жойлашган бўлими бошлиғи лавозими ишониб топширилди.

Бир неча йил ҳалол ишлаб, ишончга сазовор бўлган М.Холиқбердиева бўлим бошлиғи лавозимига тайинлангач, ўзгарди. Аввалига аҳоли электр энергияси, табиий газ ва сув учун тўлаган пулдан озоздан олиб, ишлатиб юрди. Кейинчалик буни ҳеч ким сезмаяпти деган ўйда бу пулдан миллион-миллион олиб сарфлашни одат қилди.

Газга, сувга пул тўласангизу, уйингизга "қарздорсан" деган қоғоз келса, қандай ҳолатга тушасиз. М.Холиқбердиева раҳбарлик қилаётган почта бўлими орқали пул тўлаган бир неча фуқарога тегишли ташкилотлардан шундай қоғозлар кела бошлайди. Бунга аниқлик киритиш учун коммунал хизмат ташкилотларига боришса, почта орқали тўлаган пуллари ҳисоб-рақамига тушмаган экан. Шундан сўнг бу фуқаролар М.Холиқбердиевага мурожаат қилишади. Афсуски, бундан ҳам натижа бўлмайди. Шундан сўнг улар Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига



ариза беришади.

Фуқароларнинг аризаси бўйича олиб борилган суриштирув-тергов жараёнида пул нима учун истеъмолчиларнинг ҳисобрақамига келиб тушмагани аниқланди. Маълум бўлишича, М.Холиқбердиева 2017 йил июль ойидан 2018 йил июль ойига қадар аҳоли коммунал хизматлар учун тўлаган 16 миллион 453 минг сўм пулни тегишли ташкилотларнинг ҳисобрақамига ўтказмасдан, ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборган экан.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судида М.Холиқбердиеванинг қилмиши кўриб чиқилди. Унда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинди.

ЖКнинг 66-1-моддасига мувофиқ М.Холиқбердиевага нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилди.

«Кўрикдан ўтмаган» пуллар

Гулзода ДИЛМУРОДОВА,
Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси инспектори

Мамлакатимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса иқтисодиётимизнинг барқарорлашувига, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Биламизки, тиббиёт бирлашмалари, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Бунда ходим бир нечта босқичда тиббий кўрикдан ўтиши лозим.

Миришкор тумани ДСЭНМнинг 2018 йилги, айнан тиббий кўрик билан боғлиқ фаолияти ўрганилганда бир қатор қонун бузилишларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, ДСЭНМ мансабдорлари Т.Ж. ва бошқалар йил давомида туман тиббиёт бирлашмасининг 525 нафар, туман халқ таълими бўлимининг 1144 нафар, туман мактабгача таълим бўлимининг 210 нафар ходимининг тиббий кўрик учун тўлаган 25 миллион 42 минг 369 сўм пулини марказга кирим қилмасдан ўзлаштириб юборгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Миришкор тумани бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан жазога тортилди.

Текин тўн қимматга тушар

Сирож МАШАРИПОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

Ўз навбатида, ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарларнинг экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашувига олиб келади. Шу сабабли фуқароларимиз бу қонуний имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳам жамиятга, ҳам давлатга манфаат келтириш билан ўзларининг қонуний даромадига эга бўлмоқдалар.

Департаментнинг Ҳазорасп туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда Ҳазорасп тумани Карвак қишлоғида яшовчи фуқаро Дилшод Сапаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) навбатдаги харидори Алишер Ибрагимовга бир АҚШ долларини 8450 сўмдан ҳисоблаб, ўз уйида жами 6 минг АҚШ долларини 50 миллион 700 минг сўмга сотаётган вақтида департамент ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

Мазкур жиноий ҳаракат юзасидан очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Ҳазорасп туман суди судьяси М.Рўзметов раислигида ўтказилган очиқ судда қонунбузар Дилшод Сапаевга нисбатан одилона ҳукм ўқилди. Ҳуқуқбузар содир этган қилмиши учун жазо муқаррарлигига ишонч ҳосил қилди.

Даромад топишнинг турлари кўп. Аммо фойдани ҳам ҳалолидан топсанг буюради. Бола-чақанг ҳалол ризқ билан улғаяди.

Ҳушёр тортиш кечикса...

Хуршид САИДОВ,
Департаментнинг Жондор тумани бўлими инспектори

Бу оддий ҳақиқатни жондорлик Отаниёз Хўжақулов ва унинг шериги Алишер Ғаниев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўйлаб ҳам кўрмайди. Така бўлсин, сут берсин қабилида умргузаронлик қилишади. Ноқонуний равишда хориж валютасини сотиш, сотиб олиш билан шуғулланишади.

Кўл телефони жиринглаганда Отаниёз Хўжақулов накд харидор топилганидан хурсанд бўлди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, тоға? Бугун ифторлик қилаётувдик, шунга хабар қилай дедим. Кейин отам сизга салом айтиб қўйди, — деди йигит Россияда ишлаётган отасини эслатиб.

— Ҳа, отанг яхшими?!

— Яхши, бир илтимос қилувди. 4000 АҚШ долларини сўмга айлантириб беришда ёрдам берсангиз девдим.

— Бўпти, — деди долларфуруш харидор чиқиб қолганидан хурсанд бўлиб. Керак бўлганда оламан деб жияни Алишер Ғаниевга бериб қўйган пулни тезда "Зарафшон" МФЙдаги чойхонага олиб келишини телефон орқали тайинлади-ю, ўзи келишилган жойга йўл олди.

3700 АҚШ долларининг ҳар бирини 8460 сўмдан ҳисоблаб, жами 31 миллион 302 минг сўм пулни Алишер Ғаниевга тегишли машинанинг юкхонасидан олиб берди.

Одамзот шундай, хатога йўл қўяётганида эмас, қўлга тушганида ҳушёр тортади. Ҳушёр тортиш кечикса, суднинг қора курсисига ўтиришига тўғри келади.

Ертўлада тайёрланган вино

Соҳибжон УМАТАЛИЕВ,
Департаментнинг Қибрай тумани бўлими инспектори

Ҳар ким ўз оиласини ҳалол меҳнат билан боқишга ҳаракат қилади. Бунда албатта давлатнинг қонунларига амал қилиш зарур. Бироқ айрим кимсалар ҳам борки, осон пул топиш илинжида ноқонуний фаолият билан шуғулланади. Шундайлардан бири сифатида Қибрай туманида яшовчи Субҳон Бўроновни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мисол қилиб келтириш мумкин.

Департаментнинг Қибрай тумани бўлими ва ИИБ ходимлари ҳамкорлигида фуқаро К.Рўзиевнинг аризаси юзасидан "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида тезкор тадбир ўтказилди. Унда С.Бўронов фуқарога қўлбола усулда тайёрланган 40 литр винони сотиб, пулини санаб олган вақтида ушланди. У кўп қаватли уйнинг ертўласида ҳеч қандай ҳужжатларсиз яширин цех ташкил қилиб, узумдан вино тайёрлаб сотиши маълум бўлди. Ашёвий далил сифатида олинган 320 литр вино ДСЭНМнинг хулосасига кўра истеъмолчилар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавфли деб топилган.

С.Бўроновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Терговда у айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди.

Суд ишни кўриб чиқар экан, фуқаронинг айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини, ёшини ҳисобга олиб, муносиб хулқ-атворда бўлиш шарти билан уни жазодан озод қилди.

Келгуси сонда ▶

НАВБАТЧИ ВРАЧ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҲАЙДОВЧИНИНГ ХАЛОСКОРИГА АЙЛАНДИ?..

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G‘ulomov ko‘chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[1] — tijorat materiali.

Buyurtma v-3834.
16 309 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Nashr ko'rsatkichi 231
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617

Ҳиндистоннинг энг йирик кинокомпанияларидан бири ҳисобланган «Panorama Studios» Ўзбекистонда «Khuda Haafiz» номли романтик жангари фильм съёмкаларини бошлади.



Ўн миллиардлик шартнома

Қаршининг "Насаф" клуби "Enter Engineering" компанияси билан шартнома имзолади.

Ўзбекистон Президентининг "2018-2022 йилларда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида "Enter Engineering" компанияси "Насаф" клуби билан қиймати 10 миллиард сўмга тенг, 2020 йил сўнггига қадар мўлжалланган шартнома имзолади.

Бу ҳақда "Enter Engineering" матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ушбу маблағ "Насаф" клубининг моддий-техник, илмий-услубий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-машғулот жараёнининг сифатини ошириш, аҳоли ўртасида футболни оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун йўналтирилади.

"Насаф" жамоаси раҳбарияти ўз футбол мактаби базасида ёш футболчиларни тарбиялаш мақсадида легионер футболчилардан воз кечишга қарор қилди.

Таъкидлаш лозимки, айни вақтда қаршиликларнинг 12 нафар футболчиси Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоси саналади.

Бундан ташқари, Sports.uz нашрининг хабарига кўра Ўзбекистонда нефт ва газ конларини бурғулаш билан шуғулланадиган "Epsilon-development" компанияси ва "Бунёдкор" клуби ўртасида ҳам ҳомийлик шартномаси имзоланган. Бироқ ҳозирча ушбу маълумот расман тасдиқланмаган.

Таъкидлаш керакки, "Бунёдкор" ҳам "Насаф" сингари турли ёшдаги терма жамоаларимизга футболчи етиштириб берувчи асосий жамоалардан бири ҳисобланади.



Футболдан кетиб хоккейга

Футболнинг аччиқ қоидаси бор. Ўттизга кирсанг, "қарисан". Футболчи бу ёшда бутсасини михга илиш ҳақида ўйлай бошлайди. Фаолиятини якунлаган футболчилар эса мураббийлик қилади. Аммо машҳур дарвозабон Петр Чех бошқа йўлдан кетди.

"Челси" ва "Арсенал" футбол клубларининг собиқ дарвозабони Петр Чех футболдаги 20 йиллик фаолиятидан сўнг хоккей бўйича Британия чемпионатининг 2-дивизионида иштирок этувчи "Гилфорд Феникс" клуби ўйинчисига айланди. Бу ҳақда клуб сайтида маълум қилинган.

Клуб баёнотида таъкидланишича, Чех жамоа билан шартнома тузишдан олдин муз устида жадал машғулот ўтказган. У мавсум охиригача дарвозабон сифатида ўйнайди.

Собиқ футболчи 13 октябрда муз устида дебют қилди.

"Болалигимдан хоккейнинг битта ўйинида бўлса ҳам қатнашишни орзу қилганман ва бу амалга ошди. Ўйлашимча, бу ёш ўйинчиларга ўрнак бўлиши мумкин, яъни орзулар сари интилсангиз, албатта етасиз. Балки бу охирги орзумдир. Лекин мен орзуларимни рўёбга чиқариш учун қаттиқ ишладим", — деди Чех хоккейдаги дебюти ҳақида.

Эслатиб ўтамиз, Чех "Свиндон Уайлд Кэтс"га қарши ўтказилган матчнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. У ўйинда иккита шайба ўтказиб юборган бўлишига қарамай хоккей пенальтисини қайтаришга муваффақ бўлган.

Чехиялик дарвозабон "Челси"да 11 йил, "Арсенал"да эса 4 йил ўйнаган.

Олимпиада совриндорига таҳдид қилишди

Олимпия ўйинлари ғолиби ва бокс бўйича жаҳон чемпиони, россиялик София Очигавани қўшниси калтаклади.

Воқеа бир неча кун аввал содир бўлган. Қўшниси Вадим Таций 32 ёшли спортчига пичоқ билан ҳужум қилган. У Очигавани калтаклаб, ўлдириш билан қўрқитган. Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари унга нисбатан жиноят иши қўзғатган.

София Очигава 2012 йилги олимпиаданинг кумуш медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони ва уч карра Европа чемпиони ҳисобланади. У 2016 йилда фаолиятини якунлаган.



Роналду етти юзлик довонни забт этди

Футбол бўйича Португалия терма жамоаси Евро — 2020 саралаши 8-туридан ўрин олган баҳсда Украинага 2:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Мазкур ўйинда португаллар сардори Криштиану Роналду пенальтидан рақиб дарвозасини ишғол қилди. Бу унинг фаолиятидаги 700-гол бўлди.

Роналду 700 та голни 973 та ўйинда урди. У шу ўйинларнинг 458 тасида гол уришга эришган. Ҳар бир баҳсда ўртача 0,72 та гол.

У голларнинг 450 тасини "Реал" клуби сафида киритган бўлса, 118 тасини "Манчестер Юнайтед", 32 тасини "Ювентус", 5 тасини "Спортинг" клуби ва 95 тасини терма жамоа сафида урган.

Криштиану 21 та мусобақада рақиблар дарвозасини ишғол қилишга эришган. Роналду ла лигада 311 та, чемпионлар лигасида 127 та ва АПЛда 84 та гол урди.

34 ёшли футболчи биринчи голини 2002 йилнинг октябрида урган эди. Ўшанда "Спортинг" клуби "Морейренсе"ни мағлубиятга учратган.

Роналду 2011/2012-йилги мавсумда 69 та гол уришга эришди ва бу унинг учун рекорд натижа ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, Роналду етти юзлик довонни забт этган олтинчи футболчидир. Бу билан у Герд Мюллер (701 та гол), Ференц Пушкаш (709), Ромарио (748), Пеле (779) ва Йозеф Бицан (805) каби футболчилар қаторига қўшилди.





Жасур инглиз нашри эътирофида

Буюк Британиянинг "The Guardian" нашри дунёдаги энг истеъдодли 60 нафар ёш футболчи рўйхатини эълон қилди.

Аҳамиятлиси, мазкур рўйхатда "Бунёдкор" клубининг тарбияланувчиси Жасур Жалолиддинов ҳам бор. Нашр 17 ёшли футболчининг узоқ масофадан кучли зарба бера олиши, майдонни яхши кўра олиши, дриблинги ҳамда узатмаларининг аниқлигини таъкидлаб ўтган.

Келажаги порлоқ деб эътироф этилаётган Жасур Жалолиддинов суперлиганинг 2018 йилги мавсумида майдонга тушган энг ёш футболчи бўлган эди. У 16 ёшу 80 кунлигида "Бунёдкор"да дебют қилди. Мавсум тугагач ПФЛнинг энг яхши уч нафар ёш футболчиси рўйхатига киритилди.

Қайд қилиш жоизки, "The Guardian" нашри 2014 йилдан буён энг истеъдодли ёш футболчиларни эълон қилиб келади. 2019 йилги рўйхатда Ансу Фати ("Барселона"), Люсьен Агум ("Интер"), Адиль Аушиш ва Ньянзу Куасси (ПСЖ), Малик Тилльман ("Бавария"), Андри Лукас Гудьонсен ("Реал") ва Пабло Морено ("Ювентус") каби футболчиларни учратиш мумкин.



Каталониянинг "Барселона" клуби сардори Лионель Месси фаолиятини якунлаш ҳақида ўйлай бошлади.

Месси фаолиятини қачон якунламоқчи?

"Mundo Deportivo" нашрининг хабар беришича, 32 ёшли футболчи 2023 йилда бутсаларини михга илиши мумкин. Маълумотларга кўра Месси "Уэмбли"да ЕЧЛ кубогини қўлга киритгач фаолиятини якунламоқчи.

Таъкидлаш керакки, шартномага кўра Месси "Барселона"да 2021 йилга қадар ўйнаши керак, бироқ тарафлар ушбу келишувни узайтириш борасида аллақачон музокара бошлаб юборишган.

Месси "Барселона" тарбияланувчиси ҳисобланади. У шу кунгача жамоа сафида 692 та ўйинда майдонга тушди ва 604 та гол уришга эришди.

Ракитич учун икки даъвогар

Каталониянинг "Барселона" клуби ярим ҳимоячиси Иван Ракитич фаолиятини Италияда давом эттириши мумкин. Calciomercato нашрининг маълум қилишича, "Милан" клуби хорватиялик футболчининг хизматларига қизиқиш билдирмоқда.

Бироз аввалроқ Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси Ракитичнинг трансфери борасида "Барселона" клубига таклиф юборганлиги ҳақида маълумотлар тарқатган эди.

Кўрамиз, хорватиялик футболчи учун курашда кимнинг қўли баланд келаркан?



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Мустафақул МАМАТҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси Бюронинг Шайхонтоҳур туман бўлими давлат ижрочиси Шуҳрат Абдусатторовга волидаи муҳтарамаси

Қурбаной МУҲАМАДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

44 ёшли Оксана Чусовитина Токио-2020 йўлланмасини қўлга киритди ва фаолиятидаги саккизинчи олимпиадада иштирок этадиган бўлди.